# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!



2006 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ №1 (10.558) Баҳоси эркин нархда

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



*Азиз ватандошлар!*

*Муҳтарам отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, дўстларим, биродарларим!*

*Мана шу файзли ва шукуҳли дақиқаларда барчангизни янги - 2006 йил билан қизғин муборакбод этаман ва сизларга қалбимдаги эзгу тилакларимни, самимий меҳр ва ҳурматимни билдиришдан бахтиёрман.*

*Янги йил арафасида, табиийки, барчамиз якунига етиб бораётган 2005 йилнинг ўзимиз ва оиламиз, халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, моҳиятини беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.*

*Ҳеч шубҳасиз, ўтиб бораётган йил эл-юртимиз ҳаётида чуқур из қолдираётган йил бўлиб қолиши муқаррар.*

*Ўтган вақт мобайнида эзгу мақсадларимиз сари - юртимизда барқарорликни сақлаш, ҳаётимизни янгилаш, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган асоратлардан воз кечиш, демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин ва барчамизга тенг имкониятлар яратиб бераётган иқтисодиётимизни ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида янги қадамлар қўйдик.*

*Мамлакатимиз тараққиётининг мезони бўлмиш ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, юртдошларимизнинг мулкка эгалик ҳиссиётини кучайтириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес ва фермерлик ҳаракатига равон йўллар, кенг имтиёзлар очиб бериш, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли тураржойларини обод этиш ва коммунал хизматни тартибга солиш каби масалаларда амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда.*

*Бунинг тасдиғини мамлакатимиз ривожида, авваламбор иқтисодиётимиз барча етакчи соҳа ва тармоқларининг барқарор ўсиш суръатларида, юртимизга кенг кўламда кириб келаётган инвестиция ва сармояларда, замон талабига жавоб берадиган янги корхона ва ижтимоий иншоотлар, лицей ва коллежларда, бошқатдан қурилган ва таъмирланган мактаб ва шифохоналаримизда, улкан ободончилик ишларимизда - мухтасар қилиб айтганда, шаҳар ва қишлоқларимиз, бугунги ҳаётимизнинг қиёфаси кундан-кунга очилиб бораётганида кўриш қийин эмас.*

*Айниқса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида қўлга киритган юксак марраларимиз, албатта, барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.*

*Бу ҳаракатларимизнинг пировард натижаси аҳолимизнинг реал даромадлари жорий йилда қарийб 22 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоиз ўсишида намоён бўлди.*

*Албатта, якунига етиб бораётган йил биз учун осон бўлмади. Кундалик ҳаётимизда, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда кўпгина қийинчиликларга дуч келдик.*

*Ёвуз мақсадларни кўзда тутиб уюштирилган тажовузкор террорчи чиқишларни бартараф этишга, юртимизга қарши четдан ташкил қилинган ҳамла, бўҳтон ва туҳматларни бошимиздан кечиришга тўғри келди.*

*Яратганимизга минг шукроналар бўлсинким, мана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятда биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ғаразли хуруж ва офатларни енгишга эришдик.*

*Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатидан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён этдик.*

*Қадрли дўстлар!*

*Кириб келаётган янги йилда биз истиқлолимизнинг ўн беш йиллик қутлуғ тўйини нишонлаймиз, яъни, шарқона ҳикматга кўра, айни навқиронлик, балоғат палласига қадам қўямиз.*

*Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик ва саҳийлик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди.*

*Биз миллий қадриятимиз бўлган бундай пок туйғуларни доимо асраб-авайлашимиз, азиз фарзандларимизни ҳам шундай эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашимиз керак.*

*Юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йил айнан шу каби юксак интилиш ва ҳаракатларга ундайди.*

*Ишонаманки, бундай даъват шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз қалбидан чуқур жой топади.*

*Шу маънода, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.*

*2006 йил давлат бюджетида белгилаб қўйилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг умумий иш ҳақи, шунингдек, стипендия, пенсия ва нафақалар миқдорини 33 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Яқинда қабул қилинган қарорларни инобатга оладиган бўлсак, ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи, индексацияни қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 1,5 марта ортади.*

*Буларнинг барчаси халқимизнинг кундалик ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши, янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз, албатта.*

*Табиийки, бундай юксак мақсадларга эришишнинг асосий шарти ва гарови - авваламбор ўз юртимиз ва хонадонларимизда тинчлик ва барқарорликни асраш, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ эканини, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз зарурлигини ён-атрофимиздаги, дунёдаги мураккаб вазият яққол кўрсатиб турибди.*

*Муҳтарам юртдошларим!*

*Мана шу қувончли лаҳзаларда бетакрор диёримизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида янги йилни катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон аҳлини яна бир бор чин қалбимдан қутлайман.*

*2006 йил барчангизга, сиз, қадрдонларимга бахт ва омад олиб келсин!*

*Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!*

*Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!*

*Янги йил барчамизга муборак бўлсин!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

• **ЭРТАГА** «Чўпон ота», «Саккизинчи мавзе», «Лутфий», «Новза», «Ҳамза», «1-Қатортол» маҳаллаларида яшовчи болажонлар, кичкинтойлар иштирокида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ташкил этилган «Камолот»дан Янги йил» лойиҳаси доирасида арча байрами ўтказилади.

• **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Гулобод», Ғафур Ғулом, «Олмазор», «Оқтепа», «Боғистон», «Қатортол» маҳаллаларида истиқомат қилаётган болажонлар, кичкинтойлар иштирокида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан Арча байрами тантаналари ўтказилди.

• **КЕЧА** Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғида Учтепа туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ҳамкорликларида ўтказилган Янги йил сайлида туман ёшлари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ҚАДРЛИ «ОҚШОМ»ХОНЛАР!

**Мана – қўлингизга севимли газетангизнинг 2006 йилги илк сонини олиб турибсиз. Унинг бичими ўзгарганини пайқаганингизга ишончимиз комил.**

Ҳа, пойтахтнинг турли туманлари фаоллари, маҳаллалар аҳллари билан бевосита мулоқотларда кўплаб мухлисларимиз билдирган хоҳиш-истаклар бунга асос бўлди. Шуни айтиш жоизки, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида "Оқшом"нинг фақат бичимигина эмас, сиз азизларимизнинг қимматли таклифларингиз асосида унинг мазмун-мундарижаси ҳам ўзгаради. Ҳаёт бир жойда турмаганидек, кўпминг кишилик мухлисларимизнинг дунёқарашлари, талаб-эҳтиёжлари ҳам ўзгариб бориши табиий. Бизнинг вазифамиз эса, ана шу ўзгаришларни вақтида пайқаб, уларга тезкорлик билан жавоб қилиш, давр билан ҳамнафас бўлишга интилишдан иборат.

Мақсадимиз ҳар бир газетхон кўнглини топиш, унинг маънавий эҳтиёжларини имкон қадар қондира бориш, ҳамшаҳарларимиз орзу-интилишларига йўлдош, дардларига малҳам бўлиш. Шунинг учун ҳам биз - "Тошкент оқшоми" ижодкорлари 2006 йилда янги лойиҳа асосида ишлашни – яъни сиз азизларимизнинг кундалик ҳаётингизда энг яқин дўст, маслаҳатчи ва зарур бўлса – кўмакчи бўлишни ният қилганмиз. Бунинг учун газетхонлар қалбидан ўрин олган энг яхши рукн ва мавзуларни сақлаб қолган ҳолда бир қанча янги йўналишларга қўл уришни ният қилиб қўйганмиз.

"Биз яшаётган шаҳар"- аввало шу рукн остида жонажон пойтахтимиз ҳақида, ундаги диққатга сазовор ўзгаришлар, ҳаётимиздаги муҳим янгиликлар тўғрисида энг қизиқарли мақола, суҳбат, лавҳаларни ўқиб борасиз. "Пойтахт манзаралари", "Шаҳримиз қиёфаси" деб номланган туркумдаги фотолавҳалар, репортажлар, жонли ҳикоялар шаҳримиз ҳақидаги билим ва тасаввурингизни доимий тўлдириб боради ва демакки, унга бўлган жўшқин меҳрингизни оширади.

"Жаҳон мамлакатлари пойтахтларида" рукни сизниТошкентимизга ўхшаш мегаполислар ҳаёти билан мунтазам таништирса, "Сайёрамиз нафаси" – қитъалар, мамлакатлар ҳаётидаги энг янги хабарларни эътиборингизга ҳавола этади. "Янгиликлар манзили" орқали пойтахтимизда кеча, бугун, сўнгги соатларда юз берган энг муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий янгиликлардан хабар топасиз.

Йил давомида машҳур кишилар, давлат, жамоат арбоблари, фан ва маданиятимиз юлдузларининг фақат "Тошкент оқшоми" учун аталган ва биринчи бўлиб эълон қилинадиган интервьюлари, қизиқарли суҳбатлари билан танишиб борасиз.

"Тошкент оқшоми" саломатлик хизмати" орқали соғлом ва серзавқ ҳаёт кечириш, турли хасталиклар, оғриқлар ва нохуш кайфиятлардан халос бўлиш бўйича мутахассислар, машҳур шифокорлар маслаҳатларини ўқишингиз мумкин. Ишонч телефони орқали ўзгалар нигоҳи ва қулоғидан сир тутиб келаётган ҳар қандай касаллик, дардларингиз ҳақида сўраб, газета орқали жавоб олишингиз ва шахсингиз сир бўлиб қолавериши мумкин.

"Ўйлатадиган муаммолар","Биз куюнмасак – ким куйинади?"- ушбу рукнлар остидаги мақолалар ҳақиқатан ҳам ҳаммамизни мушоҳада қилиш, атрофга куюнчаклик билан қараш ва амалий ҳаракатларга ундайди.

Энг муҳим ва долзарб, барча ота-оналарни тўлқинлантиришига ишончимиз комил бўлган рукнларимиз ҳақида ҳам сиз азизларимизни хабардор қилишни истардик. "Фарзанд тарбияси – биз унутаётган жиҳатлар","Бола қобилияти: уни аниқлаш ва ривожлантириш йўллари" – тахминан шундай аталадиган рукнларимизда тараққий этган мамлакатлар тажрибалари асосида устозлар фикр-мулоҳазалари ва тавсиялари тақдим этилади.

"Сўранг, жавоб берамиз" – ушбу рукн албатта илгаригиларидан тубдан фарқ қилади. Савол доирасини истаганча кенг олишингиз – яъни истаган мавзу ва йўналишда савол беришингиз мумкин. Биз эса уларга қониқарли жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

"Мулк эгаси – Ватан соҳиби", "Бизнес: бошқариш санъати", "Банк – тадбиркор: қарс икки қўлдан", "Харидор ҳамиша ҳақ, аммо...", "Йўловчи транспорти – рақобат ва тараққиёт", "Тендер – сифат кафолати" ва бошқа қатор туркумларимиз иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти ҳар томонлама ёритиб борилишини таъминлайди.

«Спорт», «Шоҳ! Мот!!», «Машҳур тўпсурарларимиз», "Кураги ерга тегмаганлар", "Бўлажак чемпионлар" каби рукнларимиз орқали ҳар қандай спорт ишқибозининг кўнгил розлари, дид ва қизиқишларини ҳисобга оладиган ажойиб репортажлар, ҳикоялар, суҳбат ва ҳозиржавоб хабарларимиз билан ўқувчиларимизни хурсанд қиламиз, деган умиддамиз.

**Азиз ҳамшаҳарлар, газетамиз мухлислари! 2006 йилнинг ҳар бир кунини биз билан бирга ўтказинг – биз ишончли ҳамкорингиз, дўстингиз бўлиб қоламиз. Ўйлаган ва интилаётган энг эзгу орзу-тилакларингизга биз билан бирга тезроқ эришишингизга аминмиз. Демак, ҳаёт сўқмоқлари бўйлаб биргаликда одимлаймиз ва нурли келажагимизни биргаликда яқинлаштираверамиз, азиз дўстлар!**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Янги, 2006 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, шунингдек бошқа қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари жаҳонда тинчлик ва осойишталик, халқимизга бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу истаклари битилган самимий қутловларини йўллашди.**

• **Янги йил арафасида Конимех туманидаги Шодибек, Тўқмағит, Навбаҳор туманидаги Қушқочди қишлоқлари аҳолиси табиий газдан баҳраманд бўлди — қисқа вақт ичида 120 та оилада «зангори олов» ёна бошлади.**

• **Ёзёвон туманидаги Навбаҳор, Чўпонобод, Чўлигулистон, Такалик қишлоқларидаги хонадонлар эгалари Янги йилни ўзгача шод-хуррамлик билан қарши олишди. Зеро, "Фарғонаҳудудийгазтаъминот" корхонаси саъй-ҳаракати билан 6 километрли юқори босимли янги газ қувури тортилиши натижасида тумандаги 1200 дан ортиқ хонадон "зангори олов" тафтидан баҳраманд бўлди.**

• **"Маҳалла" жамғармаси ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг вилоят бўлими ташаббуси билан 2006 йилнинг 15 апрелигача Андижон вилояти туманларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида акция эълон қилинди.**

• **"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Нукус тумани бўлими, савдо-саноат палатасининг туман филиали, Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида хотин-қизларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишида кенг имконият яратиб берилмоқда. Чунончи, Осиё тараққиёт банки томонидан ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун 35 субъектнинг ҳар бирига 250 минг сўмдан кредит маблағи ажратилди.**

• **Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги «Мамир» фермер хўжалиги раҳбари Эгамберди Мамиров ўз даромади ҳисобидан 4 километрдан зиёд масофага қувур тортиб Оломон, Янги ҳаёт қишлоқларига булоқ сувини келтирди.**

• **Янги йил арафасида мамлакатимизнинг жанубий ҳудудлари чегараларини қўриқловчи чегарачилар ҳаётида муҳим ва қувонарли воқеа рўй берди. Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмнинг бир гуруҳ офицерлари ва шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўтовчиларга тантанали равишда янги турар жой хонадонларининг калитлари топширилди.**

• **Фарғона вилоятининг Ровон тоғ йўлидаги Сўх дарёси устига узунлиги 100 метрлик кўприк ўрнатилди. Ушбу кўприк четкада жойлашган Шарқобод қишлоғини Сўх туман маркази билан боғлайди.**

• **Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги Соатқул Жўраев номли фермерлар уюшмаси ҳудудидаги "Ҳаловат тепа" маҳалласида "Насиба чевар" кичик корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда 15 нафар аёл иш билан таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

• **Қоҳирада Россия билан Миср ўртасида Россиянинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши муносабати билан ўтказилган икки томонлама музокараларнинг якунланишини қайд этувчи ҳужжатлар имзоланди.**

• **Саудия Арабистонининг Инвестиция ва қурилиш қўмитаси мамлакатдаги энг катта иқтисодий-бизнес шаҳар қурилиши бошланганини эълон қилди. Мазкур "Бизнес-Ленд" Қизил денгиз соҳилида қурилиб, унга қирол Абдулла бин Абдулазиз ал-Сауд номи берилади.**

• **Ғарбдаги донор мамлакатлар Эфиопияга 375 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни молиявий ёрдам сифатида ажратмасликка қарор қилишди. Бундай қарор чиқаришга Эфиопияда юзага келган вазият — мамлакатда ўтказилган сайлов натижаларини бекор қилиш талаби билан намойишга чиққан бир неча минг мухолифатчини мамлакат маъмурлари ҳибсга олгани сабаб бўлди.**

• **Деҳлида Ҳиндистон билан Эронни боғловчи газ қувурини барпо этиш юзасидан икки томонлама музокараларнинг учинчи босқичи бошланди. Ушбу музокараларда етказиб бериладиган газ нарх-навоси ва бошқа масалалар муҳокама қилинмоқда.**

• **Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида содир этилган отишма туфайли бир киши ҳалок бўлди, тўрт нафар инсон турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Маҳаллий полиция маъмурларининг маълумотларига қараганда, Ҳинд Давлат институтидаги фан конференцияси қатнашчилари номаълум қуролланган шахслар томонидан ўққа тутилган.**

• **Россиянинг "Газпром" концерни Украина билан газни етказиб бериш юзасидан нархлари бозор иқтисодиёти шартларига мувофиқ равишда келишилган шартнома имзоланмаса, Янги йилдан бошлаб Украинага газ узатишни тўхтатишини билдирди.**

• **Яманда тўсатдан ер кўчиши юз бериши натижасида қисқа муддат ичида 100 дан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди.**

• **Россиянинг собиқ атом энергетикаси вазири Евгений Адамовнинг Швейцариядан экстрадиция қилинишига келишиб олинди.**

• **Европа мамлакатларига совуқ ҳавонинг кириб келиши натижасида қиш фасли жуда оғир кечмоқда. Чунончи, Испания ва Италияда қор бўронлари авжига чиқаяпти, Францияда эса бир неча ўн йиллардан буён кузатилмаган энг совуқ муҳит ҳукмрон — Нормандияда симоб устуни – 17° ни кўрсатмоқда. Совуқ циклон Бельгия ва Хорватияга ҳам етиб келди.**

• **Хитойнинг шимолий-шарқий вилояти Ҳарбинда Янги йилни кутиш учун "муз меҳмонхонаси" барпо этилди. Ушбу ажойиб меҳмонхона қурилиши учун фақат муз ва қор парчалари ишлатилди.**

• **ENRON корпорациясининг собиқ бош ҳисобчиси Ричард Кози ўзининг қимматли қоғозлар ва компания бюджети билан боғлиқ кўзбўямачиликларини тан олди.**

• **Интерпол "Ал-Қоида" террорчи ташкилотининг Ироқ бўлинмаси раҳбари Абу Мусоб аз-Зарқавийнинг ҳибсга олиниши учун ордер берди. Аз-Зарқавийга нисбатан Жазоирнинг сўрови билан халқаро қидирув эълон қилинди.**

№ 1 (01.01.2006)

# ЭЗГУЛИК БАРДАВОМ БЎЛАВЕРСИН

**Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла ОРИПОВ билан суҳбат**



**— Абдулла ака, мана Янги йил ҳам файзу тароват билан кириб келди. Шу байрам кунларида ортга бир назар ташлаб, ўтган Сиҳат-саломатлик йилини сарҳисоб қиладиган бўлсак, у хайрли ва ютуқларга бой бўлганлигини эътироф этишимиз мумкин, шундай эмасми?..**

— Кириб келаётган Янги йил арафасида мамлакатимиз ва айниқса пойтахтимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеа ҳеч шубҳасиз Президентимиз Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳри аҳли билан учрашувлари бўлди. Юртбошимиз пойтахтимизнинг гуллаб-яшнаши, ободонлигини мунтасил равишда кузатиб келадилар. Мана, куни кеча пойтахтимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида Президентимиз ташаббуслари билан яна бир янги мажмуа қад кўтарди. Бу майдон энди Мустақиллик ва Эзгулик мажмуаси деб аталади. Майдонда она ва бола қиёфаси акс эттирилган ҳайкал ўрнатилди. Бу жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки мамлакатнинг бош майдонида бизнинг инсоний муддаоларимиз акс этиб турибди. Биласиз, бу жойда аввал шўролар даври доҳийларининг ҳайкаллари бор эди. Бу ерда фақатгина хитоблар жаранглаб, ҳарбий машиналарнинг наъраси таралиб турарди. Энди эса бу ерга келсак, онамиз ва фарзандимиз сиймосига кўзимиз тушади. Демак, болажон ўзбекнинг, оилапарвар ўзбекнинг, тинчлик-осойишталикни доимо ардоқлайдиган ўзбекнинг тимсолига дуч келамиз.

Шунингдек, Юртбошимиз Янги йил арафасида темир йўл вокзалининг муҳташам биносини очиб бердилар. Бу кошона ҳам наинки пойтахтимиз, балки бутун мамлакатимиз халқлари, барча узоқ-яқиндан келадиган қанчадан-қанча меҳмонлар учун беқиёс даражада бир туҳфа бўлди. Ва бу бизнинг бугунги салобатимиз, бугунги дидимиз, савиямиз ва салоҳиятимизни яна бир даражада намойиш қиладиган манзилга айланди. Муҳтарам Президентимизнинг Талабалар шаҳарчасида ёшлар билан учрашувлари ҳаммамизни тўлқинлантирган катта воқеа бўлди. Талабалар шаҳарчасида йил давомида олиб борилган қурилиш, таъмирлаш ишларидан ҳаммамизнинг хабаримиз бор. Мен ҳам у ерга бир неча маротаба бориб, қурувчилар билан суҳбатлашганман, талабалар билан учрашувлар ўтказганман. Ҳозир мен талабалик йилларимни эсласам, эҳ-ҳе, шароитларнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Энди фақатгина ўқиш керак. Талаба шунга муносиб тарзда ўзини тута билиши керак. Бундан ортиқ даражадаги шароитни эса ўйлаб ҳам топиш мумкин эмас. Президентимиз талабалар билан суҳбатларида уларнинг ихтисос йўналишларини сўраб-суриштириб, ҳар бир соҳа бўйича бебаҳо маслаҳатлар бердилар ва шу соҳаларнинг ниҳоятда теран илдизларини тушунтириб ўтдилар. Масалан, журналистика соҳасида: бизда ҳақиқатан ҳам ҳамма соҳада баб-баравар йўрғалаб кетаверадиган мухбирчилик шаклланган. Лекин бир соҳани чуқур ўрганиб, жаҳон миқёсида таҳлил қила оладиган қаламкаш журналистлар йўқ ҳисоб. Ўзбек журналисти ҳам дунёга боқиб, воқеаларни ўзи талқин қилиб, ўзи муайян хулосаларни айта оладиган вақт келди. Президентимиз шулар хусусида ғоят муҳим кўрсатмалар ва тавсиялар бердилар. Юртбошимиз фалсафа, адабиёт хусусида ҳам наинки талабалар, балки барчамизнинг дилимиздан жой оладиган фикрларни билдирдилар. Ҳақиқатан ҳам бугунги ёшларимиз аввалambор илми билан, маънавияти билангина ўз соҳасининг етук мутахассисига айланиши мумкин. Бизнинг улуғ боболаримиз мана шу фазилатларга эга эдилар. Масалан, Абу Али ибн Сино бобомизни тиб илмининг отаси деймиз. Наинки тиббиёт соҳасида, балки жаҳон фалсафасида унга тенг келадиган файласуфни топиш қийин. Шу билан бирга ибн Сино беназир рубоийлар ёзган шоир ҳам ҳисобланади. Худди шундай фикрларни Беруний, Улуғбек ҳақида ҳам гапириш мумкин. Демак, бизнинг ота-боболаримиз комиллик даражасига чиқа олган инсонлардир. Бизнинг вужудимизда уларнинг қони оқаётирку.

Биз албатта ўтган йилимиздан розимиз. Бу розиликнинг сабаблари бор албатта. Аввалambор элу юртимиз тинчлиги, Ватанимизнинг осойишталиги — халқимиз, мамлакатимиз учун энг муҳим ютуқдир. Айниқса, тинчлигимизнинг барқарорлигидан розимиз. Тинчлик-осойишталик бор жойда тўй-томошалар ҳам, ижод ҳам бўлади. Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб бораётганини кўрасиз. Давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти ортиб, иқтисодиётимиз тез суръатлар билан ўсиб бораётир, ижтимоий-маънавий ҳаётимизда, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқларимиз салмоқлидир. 2005 йилни ҳеч шубҳасиз мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин олган залворли йил бўлди, дейишимиз мумкин. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғояларимиздан бирига айланди. Инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислоҳотлар жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг фаровонлашувига хизмат қилмоқда. Ўтган йилда айрим нохуш ҳодисалар юз берганини ҳам афсус билан эслаймиз. Бутун ер юзидаги нотинчлик, ола-таъсир, ғала-ғовурлар бизни ҳам четлаб ўтмади. Одамзот пайдо бўлибдики, у бирор кунини тинч ўтказмаган, десак бўлади. Инсоният техник тараққиётга эришди-ю лекин унинг маънавий даражаси балки ўрта асрлардан буён бир қарич ҳам ўсмагандир. Бундан минг йил аввал донолар қанчалик кам бўлсалар, ҳозир ҳам улар кўпайиб кетмаган, бундан минг йиллар аввалги ёвузлар сони ортса ортгандир, лекин камайган эмас. Ўтмишда улар қўлларида найза, калтак, чўқмор билан ҳуруж қилган бўлсалар, бугунги кунда компьютерлар, ахборот воситалари орқали ҳаракат қиладилар. Шунинг учун уларга бериладиган жавоб ҳам ўша даражада бўлмоғи керак. Ўтган йилимиздан яна бир розилигимиз шуки, йил жуда яхши келди. Пахта, ғалла, мева-сабзавот мўл-кўл бўлди. Халқимизнинг дастурхони тўкин, омборхоналари ғалла билан лиқ-лиқ тўлди. Табиатнинг туҳфаси учун шукроналар айтамиз. Буларнинг барчаси ўз-ўзидан бўлмайди. Албатта ишни ташкил қилишда гап кўп. Хусусан, арикнинг нариги томонида қўшниларнинг буғдойзорида ҳосил гектаридан 7-8 центнер, арикнинг бериги томонида бизнинг далаларимизда эса у 50 центнер бўлди. Ёки пахтани олайлик, қўшни ҳудудларда пахта ҳосили ҳамин қадар. Булар нимадан дарак беради? Демак, одамларимиз ердан оқилона фойдаланиб, ишни ақл билан ташкил қилмоқдалар. Бизда ер ўз эгасини топди. Айни вақтда қурилиш, бунёдкорлик жадал давом этди, минглаб коллежлар, лицейлар, мактаб бинолари қад кўтарди. Биргина умумтаълим мактаблари учун халқ таълимига бир триллиондан ортиқ маблағ ажратилди. Ўтган йилларнинг ҳар бирига Президентимиз маълум бир йўналиш бўйича ном қўйиб келмоқдалар. Айтайлик, Маҳалла йили, Оила йили, Соғлом авлод, Сиҳат-саломатлик ва мана ниҳоят Ҳомийлар ва шифокорлар йили... Ҳар бир йилнинг номига қарабоқ бу мамлакат нима иш билан машғул, унинг мақсади нима — аниқ айтиб бериш мумкин. Яъни, тиббиёт тили билан айтганда ташхис қўйиш мумкин. Демак, ушбу йилимиз ҳам миллатнинг соғломлигини таъминлаш йили бўлажак. Бу жуда ҳам муҳим масаладир.

Президентимиз "Туркистон" саройида қилган маърузаларида кўпгина қўшни ҳудудларда юз бераётган баъзи юқумли касалликлар бизнинг ҳудудимизга кириб келаётгани йўқ дедилар. Бунинг учун шу соҳада хизмат қилаётганларга миннатдорчилик билдирдилар. Худо кўрсатмасин, бир юқумли касаллик тарқаладиган бўлса, унинг ташвиши, мусибати қанча бўлиши мумкин. Соғу саломат ўтирган одам баъзида соғлиғининг қадрига етмайди. Халқ саломатлиги учун қайғуриш катта сиёсат, катта донолик ва донишмандлик белгисидир. Мамлакатда ҳозир ҳомийлар, пулдорлар қатлами шаклланган. Булар тадбиркорлар, фермерлар, ишбилармонлар, улар албатта ёрдамга муҳтожларга кўмак бериб келяптилар, турли тадбирларда қатнашмоқдалар. Уларни маълум соҳага йўналтириб туриш яхши натижага олиб келиши шубҳасиз. Дейлик, ҳомийларнинг шифокорларга, шифо масканларига ёрдамлари уларнинг ўзларининг ҳам манфаатларига мос келади. Ўша ҳомийларнинг ҳам оиласи, бола-чақаси, қариндош-уруғи бор, уларнинг ҳам шифокорга ишлари тушади. Бу бир. Иккинчидан, бу хайрия ҳеч кимнинг ҳасадини қўзғатмайди, деб ўйлайман. Аксинча, у соҳибига обрў-эътибор келтиради. Алишер Навоий бобомиз айтганларидек,

**Кимки бир кўнгли бузуқнинг**
**Хотирин шод айлагай,**
**Онча борким, Каъба вайрон**
**Ўлса обод айлагай.**

Қолаверса, «Элдан чиқма, элдан қолмагин» деган халқимизнинг мақоли ҳам бор. Бойларимизнинг халқ билан бирга бўлиб, унинг ғами-ташвишига шерик бўлиб, кўмак бериб юришлари яхши. Лекин, бу одамларни боқимандаликка ўргатиш дегани эмас, балки:

**Халқим, яхшиликни ўзгадан кутма,**
**Савобни ўзингдан ҳеч йироқ тутма!**

**— Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз қайта тикланди. Улар қаторида янги анъаналар ҳаётимизга сингиб бораяпти.**

— Истиқлол туфайли ота-боболардан қолган қадимги миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналаримиз тикланди, унутилганлари тикланаётир. Буни такрор ва такрор айтишимиз мумкин. Биз эндиликда бундай одатларга кўникиб қолдик. Масалан, маҳаллага эътибор фуқароларнинг кундалик мажбуриятига, кундалик фаолиятига айланди. Маҳалланинг обрўси янада кўтарилиб бормоқда. Янги анъаналар ҳақида сўз кетса, ўзим иштирок қилган баъзи тадбирлар ҳақида ҳам гапиришим мумкин. Аввалари ёзувчиларимиз пахта далаларида, заводларда учрашувларда бўлишарди холос. Лекин баъзи бир ташкилот, идораларнинг эшиги биз учун ёпиқ эди. Булар ҳарбийлар, ички ишлар, суд, прокуратура идоралари кабилар эди. Ҳозирги кунда ёзувчиларимиз улар билан ҳам доимий равишда учрашувлар ўтказмоқда. Мана яқинда «Маҳалла» жамғармаси ҳам яхши бир ташаббус билан чиқиб, ҳарбий хизматдаги йигитлар билан тадбир ўтказишди.



*МАЙДОН МАФТУН ЭТДИ КЎПЛАРНИ ҒОЯТ,*
*БУ ЖОЙДА АЙТИЛДИ ҚАНЧА РИВОЯТ.*
*БИР КУН ОНА-БОЛА КИРИБ КЕЛДИЮ*
*МАЙДОН ЭГАСИНИ ТОПДИ НИҲОЯТ.*

Аскар йигитларни ота-оналари билан учраштириб дийдорлашув онлари ташкил қилинди. Кутилмаган бу учрашувдан ота-оналар қанчалик хурсанд бўлишди. Бу воқеаларни матбуот орқали халққа етказиб туриш керак. Олдинги даврларда ҳарбийга боришдан йигитлар бош тортишарди. Ҳозир эса ҳарбий хизматга танлов асосида имтиҳон билан олиняпти. Ҳатто, ҳозир қизнинг уйига борган совчилардан «Йигит ҳарбий хизматга борганми, йўқми?» деб сўрашар экан. Бу нима дегани? Аскарлик — йигит киши учун жуда катта ифтихорга айланди. Бизда аскарлик йигитлик паспортидир.

Мана шу далилларнинг ўзиниёқ Мустақилликнинг маънавиятимизда, руҳиятимизда ясаган ўзгариши, деб айтишимиз мумкин. Мустақиллигимизга бу йил ўн беш йил тўлаётир. Ўн беш йил ўзига хос катта сана. Биз бу санани катта қониқиш, фахру қувонч билан нишонлаймиз. Истиқлол моҳиятини одамларимиз янада теран англаётир. Энг муҳими, янги ёш авлод оёққа туриб келяпти. Мустақиллик йилида туғилган бола мана ўн бешга кирди, ўша йили етти ёшдан мактабга борган бола эса 22 ёшга тўлди. Улар ота-онанинг корига ярайдиган бўлдилар. Улар вақтини бекорга ўтказмасин деймиз. Бу жуда муҳимдир. Эски даврда одамлар аксар — ғийбат, иғво, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик билан шуғулланишарди, турли миш-мишлар тарқатишарди. Бир кунда нечта одамни ишдан бўшатиб, нечтасини ишга қўйиб юришарди. Бундайлар афсуски, ҳозир ҳам бор.

Ватан деганда фақат ўзининг маҳалласини тушуниш маҳдудликдир. Ватан ҳаммамиз учун бус-бутун вужуд. «Эл қочса бировдин, эл ёмони бил они» дейди Алишер Навоий. Яъни, одамлар бировдан қочса, уни элнинг ёмони деб билавер, дейди. Яхши одамларга эса ҳамма худди оҳанрабога темир парчаси тортилгандек талпинади, дийдорига, суҳбатига ошиқади. Иккинчидан, ҳозир ҳамма нарсанинг қадрини пул билан ўлчаш кучайиб кетмоқда. Албатта моддий бойликсиз бирор нарса қуриш қийиндир. Лекин одам боласига ширин сўз ҳам керак-ку. Масалан, ётган бир беморга гоҳида миллиард сўмдан кўра бир оғиз таскин сўз афзалроқ. Энг муҳими, карвонимиз тўғри йўлда. Халқимиз ҳамжиҳат бўлиб, ўзини-ўзи ҳимоя қилиши шарт эканлигини чуқур тушуниб олди.

**— Маълумки, бугунги кунда ёшлар маънавияти, маърифатини юксалтириш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ёш ижодкорлар сафи кенгайиб бормоқда. Суҳбатимиз асносида бугунги адабий жараён ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

—Адабий жараёнга назар соладиган бўлсак, адабиётимизда ёш ижодкорлар сафи йилдан йилга кенгайиб бораётганлигини кўрамиз. Бу янги даврнинг адабиёти. Ижодкорлар олдида катта масъулият турибди. Ёшларимиз орасидан ҳали йирик-йирик адиблар етишиб чиқади, деб умид қиламиз. Халқимиз бениҳоя даражада катта интеллектуал салоҳиятга эга. Шундай бўлгандан кейин адабиётимиз ҳеч қачон бир жойда тўхтаб, депсиниб қолмайди. Албатта ёзувчи меҳнати индивидуал меҳнат. Лекин у алал-оқибат жамоатчиликка, кўпчиликка ҳавола қилинади. Маҳсидўзнинг тиккан маҳсисини битта одам кийса, адибнинг асарини эса бир неча миллион одам ўқийди. Маҳсидўзнинг иши битта харидорни норози қилиши мумкин. Адибда бундай эмас. Яхши асар ҳамма даврларда ноёб ҳодиса бўлган.

**— Абдулла ака, 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳамюртларимизга Янги йил тилакларингизни билдирсангиз...**

— Янги йилда ҳам соғу саломат, тинчлик-омонликда яшайлик, бир-биримизга фақатгина яхшилик тилайлик. Янги йилимиз ҳамшаҳарларимизга тўкинлик, фаровонлик, бахт ва омад келтирсин. Қуйида байрам табриги сифатида бир шеъримни келтираман:

**Турибман қўлимда қадаҳ шу палла,**
**Демак, жом сўзимни айтмасам бўлмас.**
**Сизга бахт тилашим мумкин баралла,**
**Лекин бахтли қилиш қўлимдан келмас.**

**Тилайман албатта соғлик ва умр,**
**Туҳфа қилолмасман лекин уларни.**
**Тилайман ҳеч сўнмас илҳом ва сурур,**
**Гарчанд беролмасман бу туйғуларни.**

**Мен фақат сиз учун орттириб алам,**
**Йўлингиз тўсмасман деворга ўхшаб.**
**Ғалвали дунёда шунинг ўзи ҳам,**
**Менинг назаримда жуда катта гап.**

**— Абдулла ака, “Оқшом” жамоаси Сизни ҳам Янги йил билан чин дилдан қутлайди. Доимо соғ бўлинг, мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Дилором ИКРОМОВА**
**суҳбатлашди.**

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

***Таниқли шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний кўп йиллардан буён буюк донишмандларимиз томонидан араб, форс ва туркий тилларда ёзилган одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган асарларнинг таржима ва тадқиқи устида илмий изланишлар олиб бормоқда. У ҳозиргача фан ва маданиятимиз тарихига оид 98 та китоб ва 113 та илмий-оммабоп мақолаларни нашр эттирган. Унинг маънавиятимизга қўшган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган.***

***Маҳмуд Ҳасаний «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида ҳам узоқ йиллардан буён ўз мақола ва таржималари билан қатнашиб келмоқда. У кейинги пайтда таниқли адабиётшунос олим Ҳамиджон Ҳомидий билан биргаликда Шарқ олимларининг одоб-ахлоққа оид ҳикматларини «Машриқзамин — ҳикмат бўстони» рукни остида тайёрлади. «Оқшом» саҳифаларида Янги йилдан бошлаб мазкур тўпламдан ўрин олган улуғ донишмандларимизнинг сахийлик, олийҳимматлилик, меҳр-оқибат, яхшилик, одамийлик ҳақидаги пурмаъно ҳикматлари ҳамда ривоятлардан парчаларни эътиборингизга ҳавола қилиб борамиз.***

*Бўл сахий сен, эй биродар, бўл сахий*
*Бўлмағай ҳар хил бало бошда даги!*
*Доимо мардлик била мардона бўл,*
*Ким сахийдир қуллар они барча қўл!*

**Фаридиддин АТТОР**

*Саховатли киши шундай кишики, биров сўрамай, олдиндан ўзи билиб ҳадя қилади.*

**Абдибек ШЕРОЗИЙ**

*Қилган ишим бўлмасин деса бас,*
*Эр фақат ўз мақсадини ўйламас!*

**Фаридиддин АТТОР**

*Кишилар ёвузи — бу эзма кишидир.*
*Кишиларнинг қадрлиси — саховатли кишидир.*

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

*Биров сенга муайян бир меҳнатни сингдирса,*
*У меҳнатни унутма, мисли ўлик бўлма.*
*Эй асл киши, одамгарчиликни қўйма,*
*Кишиларга доим одамгарчилик қилиб тур.*
*Кел мол деган ном олма, одамгарчилик қил,*
*Одамга одам бўл, одамгарчилик қил.*

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

*Эй ўғил! Саховатингни киримингга қараб қил! Чунки ёнингдаги пулингни бирданига совуриб юборсанг, саховатингни кейин нима билан амалга оширасан?!*

**Абдибек ШЕРОЗИЙ**

*Сахий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбида муҳаббатга йўл очган бўлади. Сахий киши мисдан ясалган кўзага ўхшайди, тез тайёрланади-ю, аммо узоққа етади. Очкўз киши муҳаббатдан қочган, ўз қалбида адоватга йўл очган бўлади. Очкўз киши сопол идишга ўхшайди, уни ясаш қийин-у, лекин тез синади.*

**ЮСУФИЙ**

*Халқнинг етуги сахий кишидир, сахийлик шараф келтиради.*

**Аҳмад ЮГНАКИЙ**

*Улуғлик тиласанг сахий бўл, сахий*
*Сахийни севар Ҳақ таоло, ахий.*

**Сайфи САРОЙИ**

*Суннат эрмиш кофир бўлса, берма озор,*
*Кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор.*
*Оқил эрсанг эранлаға хизмат қилғил,*
*Амри маъруф қилғонларни иззат қилғил.*

**Аҳмад ЯССАВИЙ**

*Имконинг кўтаришига қараб сахийлик қил, бировларга тақлид қилган ҳолда сахийлик қилма. Қарз олиб, бунинг эвазига қилинган сахийлик қандай сахийлик бўлади, бошқаларнинг молидан олиб, бировларга едиришдан нима фойда?!*

**Абдибек ШЕРОЗИЙ**

*Бойлигинг бўлганда танглик қилмагин,*
*Йўлинг очиқ бўлса, ланглик қилмагин!*

**Фаридиддин АТТОР**

*Билгилки, саховат мақтовга лойиқ феълдир. У инсонга сайқал берувчи безакдир. Сахийликнинг натижаси яхши номлилик, эзгулик берувчи безакдир. Сахийликнинг натижаси дўстларнинг кўпайишидир. Одамзот учун саховатдан яхшироқ ва азизроқ ёқимли сифат йўқ.* ***Байт:***

*Кимда гар сахийлик одати йўқдир,*
*Яхшилик кутмоқнинг ҳожати йўқдир.*

*Бир ҳакимдан: «Кишининг барча ҳунарини йўққа чиқарадиган нарса нима?» деб сўрадилар. У эса: «Бахилликдир» деб жавоб берди. Яна ундан: «Кишининг барча айбларини бекитадиган нарса нима?» деб сўрадилар. У эса: «Сахийликдир» деб жавоб берди.*

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ**

*Бахил бўлма, эй саховатли киши,*
*Саховатли деган мангу қолади, ўлмайди.*

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

***Ҳикмат:*** *Олийҳиммат ва соҳибдавлат шундай кишики, яхши хулқ ва чиройли одат билан каттаю кичикни ўз муҳаббати домига илинтиради, дўстлик уруғини кўнгил ерига экади, азизлар ва улуғлар йўлига ибрат кўзи билан боқади, қариндош-уруғлар ҳақини имкони борича адо қилади, дўстларини қўлидан келганича ҳурматлайди, ўлиб кетган ёру биродарлари авлодини яхшилик билан тақдир этади.*

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ**

*Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,*
*Эрур одам аҳли аро аржуманд.*

**Алишер НАВОИЙ**

*Битиклик келди ҳимматидин нишона,*
*Ки ҳимматсизни паст этди замона.*

**Алишер НАВОИЙ**

*Халққа лутфни кам қилмағил,*
*Ҳеч кишига жавру ситам қилмағил.*

***Пошшохўжа***

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган**

# БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

**Ҳар бир байрам, шодиёналарда дастурхонимизга байрам совғаларини тортиқ этаётган корхоналар жамоалари пойтахтликлар ҳамда меҳмонларнинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб тайёргарлик юмушларини авж олдиришган. Буни эса кўплаб турдаги сифатли, хушхўр қандолатчилик маҳсулотлари, гўшт, колбасалар, салқин ичимликлар, майонез, кетчуплар исботлаб турибди.**

● «ZEBINISO ONA» хусусий корхонаси йилдан йилга кўплаб турдаги қандолат ҳамда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ҳолда замонавий технологиялар шарофати билан сифатга асосий эътибор қаратишмоқда. Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда барча маҳсулотларнинг чиройли, бежирим қадоқланаётгани эътиборга лойиқ. Шириндан шакар ширинликлар — шоколадли, вафлили конфетлар, турли хилдаги хуштаъм печенье ва пряниклар турлари бугунги кунда 80 дан зиёдни ташкил этмоқда. Айниқса, корхона жамоасининг «Тоҳир ва Зуҳра»,«-Симба», «Микки Маус», «Дружба», «Дилором», «Анжелика», «Мевали» каби кўплаб маҳсулотлари харидоргирлиги билан ажралиб туради.

● Байрам дастурхонини, албатта гўшт ва колбаса маҳсулотларисиз тасаввур қилиш мушкул. Бир-биридан хуштаъм, сифатли, тўйимли колбаса, сосиска ҳамда гўштли таомлар каттаю кичикни бирдек хушнуд этади. Мана 8 йилдан буён нафақат шаҳримизда, балки республикамиз вилоятларида ҳам «TEGEN» корхонаси маҳсулотлари харидоргирлиги билан муносиб ўринга эга.

Эътиборли томони, жамоа аҳли бугунги кун талабларини инобатга олган ҳолда иш юритиб, вакуумли қадоқланган «Сервелат», «Деликатесная», «Московская», «Охотничная» колбасалари — ҳаммаси бўлиб 54 турдаги маҳсулотларини пойтахтимиздаги 300 дан ортиқ савдо, овқатланиш тармоқларига етказиб бермоқда. «Сардельки», «Особие», «Южние», «Молочние» каби сосискалар ҳамда бир неча турдаги ва ҳар хил ҳажмларда қадоқланган майонез, кетчупларга талаб катта.

● Республикамизда ўтказилган «Йил танлови» соҳиби,ўтган йилда «Европа аркаси. Сифат ва технология» халқаро кўргазмасида ўзининг замонавий технологиялар ёрдамида тайёрланаётган сифатли, бетакрор таъмли маҳсулотлари билан қатнашиб, олтин сифат совринига сазовор бўлган хусусий тадбиркор «Цимбалов С.И.» корхонаси жамоаси ҳар қандай нозиктаъб уй бекаларига таом ҳамда салатлари хушхўр бўлишида яқин кўмакчи бўлишига шубҳа йўқ.

— «MONARX» савдо белгиси билан тайёрланаётган сифатли, экологик тоза майонез ва кетчупларимизнинг ҳар бири ўзига хос таъм ва мазага эга, — дейди хусусий тадбиркор Сергей Цимбалов. — Шубҳасиз, хорижий линиялар шарофати, ишчи-хизматчиларимизнинг малакалари ҳамда сифатга асосий эътибор муваффақиятларимиз омили ҳисобланади. Рақобатчиларимиз сафи кенгайиб боришига қарамай, рақобатбардош, ҳар хил сиғимли, қулай идишларда чиройли, бежирим қадоқланган майонез ҳамда кетчупларимиз харидорлар эътиборини қозонмоқда.

● Жаннатмакон юртимизнинг сахий қуёшидан тўйинган сархил мевалардан тайёрланган салқин ичимликлар — табиий шарбатлар байрам дастурхонимизга алоҳида файз, албатта. Жумладан, «Интер-сок» қўшма корхонасида машҳур «Фруктовий сок» маркаси билан тайёрланаётган 10 турдаги шарбатлар ҳам байрамона кайфиятингизни янада кўтаради. Чиройли, қулай идишларда қадоқланган табиий шарбат маҳсулотлари сифати юқорилиги нархи бирмунча арзонлиги ҳамда дармондориларга бойлиги билан эътиборга лойиқ. Ҳозирда корхона аҳли шарбат тайёрлашда маҳаллий ва четдан келтирилган фақатгина сифатли хом ашёдан фойдаланмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**







*(Давоми. Боши ўтган сонларда.)*

Алқисса, ҳазрат ҳоқони саъид Коликутнинг волийсига атаб от, пўстин, тилладўзи дакала ва кулоҳи наврўзий тайин қилган эди. Бунинг сабаби шуки, у ҳазратнинг Бангголага юборган элчилари у ердан қайта туриб, Бангголанинг элчилари билан биргаликда Коликутда табоҳий бўлиб туриб қолган эдилар. Улар орқали мамлакатнинг тўлиқ сифати ва у ҳазратнинг салтанат қувватининг шарҳи у ер ҳокими қулоғига етган эди. Бутун дунёнинг султонлари шарқдан ҳам, ғарбдан ҳам, ердан ҳам, сувдан ҳам элчилар юбориб, илтимосномалар тузиб у даргоҳни ҳожатлар қибласи ва илтижолар каъбасидек билишлари ҳақидаги сўзни ишончли кишилардан эшитган эди. Шу орада Бангголанинг подшоҳи, жунапурлик Султон Иброҳимнинг босқинчилигидан шикоят қилиб, султонлар паноҳи /Шоҳруҳ/нинг даргоҳига ёрдам сўраб мурожаат қилган эди.

У ҳазрат Жунапур волийсига турли карамлар эгаси бўлмиш Шайхулислом хожа Каримуддин Жомий орқали жаҳон бўйсинувчи бир фармонни юбориб “Бангола мамлакатига ҳужум қилмасин, акс ҳолда бошига нима тушса, ўзидан кўрсин", деб хабар қилди. Жунапурнинг подшоҳи ҳумоюн фармон мазмуни билан танишгач, Бангола мулкидан босқинчилик қўлини тортди.

Бу хабарни эшитган Коликут волийси ҳар хил туҳфа ва

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ

## «МАТЛАЪ-И САЪДАЙН ВА МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН»

### АСАРДАН БОБЛАР

совғалар туздирди ҳамда бир хабарчини /Шоҳруҳга/ юборди ва “бу бандарда жума ва ийд намозларида ислом хутбасини ўқийдилар, агар у ҳазрат рухсат берсалар хутбани у кишининг муборак ном ва лақаблари билан азиз ва шарафли қилинса", деб арзга етказди. Байт:

**Унинг хутбасининг садоси жаҳон**
**аҳлларига шундай хуш келиб қолганки,**
**Уни эшитган барча кофирлар ҳам**
**унга майл қилдилар.**

Коликут волийсининг хабарчиси Банголадан келаётган элчилар билан биргаликда муборак даргоҳга етиб келди. Амирлар унинг арза-хат ва туҳфаларини /Шоҳруҳга/ кўрсатдилар. Унинг хабарчиси сўзга уста бир мусулмон киши экан, суҳбат асносида: “агар онҳазрат Коликут волийсига нисбатан иноят кўргазсалар ва унинг учун махсус бир элчи юборсалар, токи элчи бориб, раббинг йўлига /кофирларни/ ҳикмат ва яхши ваъзлар билан ундагин!, деган оят талабига мувофиқ, уни Ислом динига даъват қилиб, қоронғу дилидаги зулмат ва хатокорлик қулфини очса, шояд имон нурининг шуъласи ва маърифат офтобининг ёруғлиги унинг дили дарчасидан кирса, — бу албатта, савобли ҳам тўғри иш бўлур эди", — деган сўзларни айтди. У ҳазрат хабарчининг сўзини маъқул топиб, амирларга элчи тайин қилишни буюрди. Амирлар тайин рақамини фақир Абдураззоқнинг номига тортдилар. Баъзилари “шояд бу сафардан қайтиб келмаса", деган хаёл билан мени кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Фақир бу хатарли сафардан уч йилдан кейин бахтли бир фол билан қайтиб келсам, у ғийбатчилар йўқлик йўлига равона бўлиптилар.

Қисқаси, Коликутга келиб кемадан тушганимда унга ўхшаши ҳаргиз хаёлга ҳам келмайдиган бир жамоани кўрдим.

Байт:

**Ажаб бир қавм: у на одам ва на дев,**
**Шундайки, уларни кўришдан ақл озади.**
**Агар уларга ўхшашини тушимда кўрганимда,**
**Дилим йиллар бўйи бетоқат бўлган бўлур эди.**
**Менга ҳамиша маҳвашлар юзини**
**кўриш муяссар бўлсин,**
**Ҳар бир қора танли билан паришонлик эмас!**

Қора танли кишилар яланғоч, киндигидан пастга қарата то тиззасигача лангута боғлаб олишган, бир қўлларида худди сув қатрасидек ялтироқ ўткир ҳинд ханжари, бошқасида эса худди булут парчасидек катта қалқон. Подшоҳи ҳам гадоси ҳам шу сувратда. Аммо мусулмонлар арабларга ўхшаб покиза кийимлар киядилар ва ҳар бобда хилма-хил такаллуфлар кўрсатадилар.

Мен бир неча мусулмонлар ва бир тўда кофирлар билан учрашдим; менга муносиб бир турар жой тайин қилдилар ва уч кундан кейин, подшоҳнинг ҳузурига олиб бордилар. Мен бошқа ҳиндуларга ўхшаш яланғоч баданлик бир шахсни кўрдим. У ернинг подшоҳини Сомурий деб атайдилар.

Сомурий ўлганда, унинг ўрнига опаси ёки синглисининг боласи, яъни жиянигина ўтира олади; ўғлига, ака-укасига, ёки бошқа қариндош- уруғларига подшоҳликни бермайдилар. Ҳеч ким зўрлик билан подшоҳ бўлаолмайди.

Кофирлар кўп тоифалардан иборатдирлар: браҳманлар, жўгийлар ва бошқалар. Улар аслида кўп худолик ва бутпарастликда бир-бирларига шерик бўлсалар ҳам, ҳар бир тоифа ўзича алоҳида урф-одатга эгадир.

Бир тоифа борки, унда битта хотиннинг бир вақтда бир неча эри бўлади. Бу эрларнинг ҳар бири бир муҳим ишни ўз бўйнига олиб, шу ишни адо этиб юраверади. Кеча-кундуздаги вақт уларнинг орасида тақсимланган бўлиб, ҳар ким муайян вақтда турар жойга боради ҳамда, токи у ўша ерда экан, бошқа ҳеч бири у ерга боролмайди. Сомурий ҳам шу тоифадан экан.

Мен Сомурийнинг олдига кирганимда, унинг мажлиси тавсиф қилинган шаклдаги икки-уч минг ҳиндулар билан безалган эди. Мусулмонларнинг каттаси ҳам шу мажлисда ҳозир бўлди. Бу заифни ўтирғизиб, ҳазрат ҳоқони саъиднинг нишон /хат/ини ўқидилар. Мен от, пўстин, тилладўзи дакала ва кулоҳи наврўзийларни тақдим этдим. Сомурий таъзимни тўла бажо келтирмади, мен унинг мажлисидан чиқиб, турар жойимга қайтдим.

Ҳўрмуз подшоҳи бир неча бош от ва ҳар хил ерлардан тўпланган моллар билан бошқа бир кемага ўтирғизиб жўнатган, барча молларини Сангисарнинг қароқчилари талаб, фақат жонларинигина қутқазиб қолган бир тўда кишилар билан Коликутда бир-бирларимизни топиб, азизлар дийдорини кўриш шарафига эришдик. Байт:

**Худога миннатлар бўлсинки, биз ўлмасдан**
**Азизлар дийдорини кўрдик ва мақсудимизга етдик.**

Жумод ал-ухро ойининг охири /4-ноябрь, 1442/ дан то Зу-л-ҳижжа ойининг бошлари /2-апрель 1443/ гача мен бу мақтаб бўлмайдиган жойда меҳнат чекиб, қийинчиликлар улфатдоши бўлдим. Шу кунлардан бирида, қоронғуликда ошиқлар ҳолатидан хабар берувчию узунликда гўзаллар кокилининг тугунини ечувчи бир кечада, уйқунинг қаҳр этувчи султони сезгиларга фармон берувчини бўшатишга фармон юбориб, кўз қорачиғи икки хонасининг эшиги ғунчадек юмилди. Мен уйқунгизни сизга роҳат бағишловчи қилдим /ояти/нинг талабига мувофиқ, турли-туман машаққатлардан кейин истироҳат тўшагида уйқуга толган эдим, тушимда ҳазрат ҳоқони саъидни кўрдим. У киши салтанат ҳашамати билан кетатуриб, фақирнинг қошига етиб келдилар ва муборак қўлларини бу қулнинг юзига суртиб “маъюсланма!" деб буюрдилар.

Эрталаб субҳ намозини ўқиб бўлганимдан кейин бу кўрган тушим хотиримга келиб, шод бўлдим.

**Форсчадан Асомиддин ЎРИНБОЕВ таржимаси.**

*(Давоми бор.)*

Газетанинг навбатдаги сони 4 январда чиқади.



## БАЙРАМ КУНЛАРИ

1 январь — Янги йил
8 март — Хотин-қизлар куни
21 март — Наврўз байрами
9 май — Хотира ва қадрлаш куни
1 сентябрь — Мустақиллик байрами
1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни
8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни
Рўза ҳайитининг биринчи куни
Қурбон ҳайитининг биринчи куни



# 2006 ЙИЛ — ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

### ЯНВАРЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| С | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| П | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ж | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ш | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Я | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |

### ФЕВРАЛЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| П | 1 | 8 | 15 | 22 | |
| Ч | 2 | 9 | 16 | 23 | |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Я | 5 | 12 | 19 | 26 | |

### МАРТ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| П | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ч | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Я | 5 | 12 | 19 | 26 | |

### АПРЕЛЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| П | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ч | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Я | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |

### МАЙ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| С | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| П | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ч | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ж | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ш | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Я | 7 | 14 | 21 | 28 | |

### ИЮНЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| С | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| П | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ч | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ж | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ш | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Я | 4 | 11 | 18 | 25 | |





### ИЮЛЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| П | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ч | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |
| Я | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 | |

### АВГУСТ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| С | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| П | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ч | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ж | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ш | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Я | 6 | 13 | 20 | 27 | |

### СЕНТЯБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| С | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ч | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ж | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ш | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Я | 3 | 10 | 17 | 24 | |

### ОКТЯБРЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| С | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| П | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ж | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ш | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Я | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |

### НОЯБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| П | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ч | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Я | 5 | 12 | 19 | 26 | |

### ДЕКАБРЬ

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| С | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ч | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ж | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ш | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Я | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |

# ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ, СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

### ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИ

- Ёнғин хавфсизлиги хизмати — 01
- Милиция — 02
- Тез ёрдам — 03
- "Тошгаз" авария хизмати — 04
- Қутқарув хизмати — 050
- Темир йўл бошқармасининг маълумотномаси — 005
- "Тошшаҳарйўловчитранс"такси буюртмаси — 062
- Дорихоналар бўйича марказий маълумотнома — 069
- Шаҳарлараро сўзлашувлар учун буюртмалар — 07
- Ташкилотларнинг телефонлари ва об-ҳаво маълумотномаси — 09
- Шаҳарлараро телефон тармоғи маълумотномаси — 007
- Хонадонларнинг маълумотномаси — 009
- Халқаро сўзлашувлар буюртмаси — 061
- Шаҳар телефон тармоғи иши бўйича кечаю кундуз маълумотномаси — 064
- Топилмалар бюроси — 53-05-79
- "Қора лола" маросимлар хизмати — 35-81-75, 34-34-01
- "Тошкент» автовокзали — 79-39-29 (15)

### ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ

- Тўғри ўтказгичларни таъмирлаш хизмати — 068
- Марказий алоқа тармоғи — 083

— 135-04-25
— 135-09-10
— Собир Раҳимов алоқа тармоғи —084
— 29-04-25
— 29-09-10

- Миробод алоқа тармоғи — 085

— 55-04-25
— 55-09-10

- Мирзо Улуғбек алоқа тармоғи — 086

— 162-04-25
— 162-09-10

- Чилонзор алоқа тармоғи — 087

— 367-04-25
— 367-09-10

- Янгиобод алоқа тармоғи — 089

— 97-04-25
— 97-09-10

### МАРКАЗИЙ АВАРИЯ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Ичимлик суви тармоқлари — 133-15-95, 133-75-95
- Шаҳар оқава сув тармоқлари — 135-40-11, 135-43-79
- Шаҳар электр тармоқлари — 133-77-53
- Иссиқлик тармоқлари — 133-32-32

### «ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ТУМАН ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 55-49-52
- Учтепа — 74-44-34
- Бектемир — 92-90-04
- Миробод — 54-15-61 (62)
- Мирзо Улуғбек — 167-46-24
- Собир Раҳимов —398-35-48
- Сергели — 58-78-52
- Ҳамза — 96-24-45 (39-80)
- Чилонзор — 367-09-22
- Шайхонтоҳур — 42-39-26
- Юнусобод — 112-25-12
- Яккасарой — 55-49-59

### ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

- Учтепа — 74-03-38
- Бектемир — 195-02-46
- Миробод — 133-29-86
- Мирзо Улуғбек — 68-94-04
- Собир Раҳимов — 29-00-93
- Сергели — 58-06-20
- Ҳамза — 133-33-72
- Чилонзор — 367-00-94
- Шайхонтоҳур — 41-21-53 (88-71)
- Юнусобод — 137-61-41
- Яккасарой — 55-74-49

### ИЧКИ ИШЛАР ТУМАН БЎЛИМЛАРИ

- Учтепа — 72-99-57
- Бектемир — 195-02-39
- Миробод — 191-58-02
- Мирзо Улуғбек — 167-33-50
- Собир Раҳимов — 46-09-90
- Сергели — 58-02-42
- Ҳамза — 96-06-30
- Чилонзор — 78-20-71
- Шайхонтоҳур — 42-35-02
- Юнусобод — 135-00-02
- Яккасарой — 55-94-96
- Шаҳар ИИББнинг ишонч телефонлари — 133-64-97, 136-75-82, 136-75-66

### ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ТУМАН ХИЗМАТЛАРИ

- "03" бўйича навбатчилар — 136-73-60 (32)
- Собир Раҳимов 2-болалар — 398-37-29
- Шайхонтоҳур 3-катталар — 41-23-49, 41-24-63
- Учтепа 4-катталар — 72-32-04
- Мирзо Улуғбек 5-катталар — 66-44-27 (26)
- Юнусобод 6-болалар ва катталар — 21-42-70
- Яккасарой 10-катталар — 55-85-54
- Сергели 8-болалар ва катталар — 58-70-76
- Чилонзор 9-катталар — 116-73-88 (89)
- Миробод-Ҳамза 7-катталар — 90-70-03 (01)
- Собир Раҳимов 13-катталар — 398-46-77 (37-29)
- Ҳамза-Миробод 3-болалар — 97-77-79
- Бектемир 16-катталар — 195-10-03

### ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ БЎЛИМЛАРИ

- Шаҳар бош бошқармаси —136-00-25
- Учтепа — 72-36-72
- Бектемир — 56-54-96
- Мирзо Улуғбек — 169-14-59
- Сергели — 58-39-35
- Собир Раҳимов — 398-19-03
- Ҳамза — 367-82-90
- Чилонзор — 367-87-10
- Шайхонтоҳур — 49-05-66
- Юнусобод — 135-52-04
- Яккасарой — 50-85-31

### МЕҲМОНХОНАЛАР

- "Интерконтиненталь — Ташкент" — 120-70-00
- "Саёҳат" — 68-67-42, 68-67-30
- "Марказий» — 138-30-00
- "Ўзбекистон" — 136-00-77, 127-77-77
- "Турон" — 41-07-05
- "Ле-Гранд плаза" — 120-66-00

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-308

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5218 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6